

9. Павленков В.А. Ринок труда. – М.: Аналит, 1992.
10. Abdurahmanov Q.X. Mehnat iqtisodiyoti: ijtimoiy mehnat munosabatlari. Darslik. –Т., 2011. – 494 б.; Абдурахмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёті. Дарслік. –Т.: Мехнат, 2009. – 706 бет; Abdurahmanov Q.X. va boshq. Mehnat iqtisodiyoti. Darslik. –Т., 2009. – 237 б.; Абдурахмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёті ва социологиясы. Дарслік. –Т.: Fan va texnologiya, 2012. – 388 бет.
11. Толаметова З.А. Мехнат бозори ва аҳоли бандлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: Университет, 2005; Толаметова З.А. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида меҳнат бозорини ривожлантириши ўйналишлари. – Т.: Иқтисодиёт, 2014. – 303 бет; Толаметова З.А. Мехнат иқтисодиёті ва социологияси. Фан ва технология. 2017. – 400 бет.
12. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/labor-market-2> Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.
13. Колобова А.И., Ларионцева А.М. Некоторые Теоретические Положения Трудовых Ресурсов И Трудового Потенциала. “Понятие «трудовые ресурсы» было впервые сформулировано в 1922 г. в одной из статей академика С.Г.Струмилина для характеристики национального богатства страны – трудового потенциала”. https://www.studmed.ru/kolobova-ai-larionceva-am-nekotorye-teoreticheskie-polozheniya-trudovyh-resursov-i-trudovogo-potenciala_d70496078b5.html
14. Эренберг Р.Дж., Смит Р.С. Современная экономика труда. Теория и государственная политика. – М.: Изд. МГУ, 1996.



МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ИНСОН КАПИТАЛИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Асамходжасаева Шоира Шукуруллаевна
Тошкент менежмент ва иқтисодиёт
институти катта ўқитувчиси

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss6/a16

Аннотация. Мақолада инсон капиталига инвестицияларни ўйналтиришнинг моҳияти ўрганилган ҳамда бу инвестицияларнинг мамлакат иқтисодий тараққиётига таъсири тадқиқ этилган. Шунингдек, Глобал Инновацион Индексда Ўзбекистоннинг ўрни инсон капиталига киритилган инвестициялар нуқтаи назаридан таҳлил этилган. Иш сўнггида мавзуга доир ҳуросалар шакллантирилган.

Калим сўзлар: инсон капитали, инвестиция, иқтисодий ўсиш, инновация, самарадорлик, даромад, ҳаражат, меҳнат унумдорлиги, сармоя, илм-фан, инновация ресурслари, инновация натижалари.

ЗНАЧЕНИЕ ИНВЕСТИЦИЙ В ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ СТРАНЫ

Асамходжасаева Шоира Шукуруллаевна
старший преподаватель
Ташкентского института менеджмента и экономики

Аннотация: В статье рассматривается сущность инвестиций в человеческий капитал и исследуется влияние этих инвестиций на экономический рост. Также было проанализировано положение Узбекистана в Глобальном инновационном индексе с точки зрения инвестиций в человеческий капитал.

Ключевые слова: человеческий капитал, инвестиции, экономический рост, инновации, эффективность, доход, расход, производительность труда, капитал, наука, инновационные ресурсы, инновационные результаты.

THE IMPORTANCE OF HUMAN CAPITAL INVESTMENTS IN THE ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE COUNTRY

Asamxodjaeva Shoira Shukurullaevna
Tashkent Institute of Management and Economics
Senior Lecturer

Abstract. The article discusses the essence of investing in human capital and examines the impact of these investments on economic growth. The position of Uzbekistan in the Global Innovation Index was also analyzed in terms of investment in human capital.

Key words: human capital, investments, economic growth, innovations, efficiency, income, expense, labor productivity, capital, science, innovation resources, innovation results.

Кириш. Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида ходимлар, уларнинг малакаси ва тажрибаси молиявий-иқтисодий фаолиятнинг муҳим омилидир. Иқтисодий муҳитдаги глобаллашув жараёнлари янги ахборот ресурслари ва технологияларидан фойдаланишга, иқтисодиётнинг янги соҳаларини ривожлантиришга ундайди. Бу эса ўз навбатида, инсон капиталини ривожлантиришга бўлган эҳтиёж ҳам йилдан-йилга ортиб боришига ўз таъсирини кўрсатади. Шу сабабли бугунги кунда инсон капиталига инвестиция киритишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш давр талабидир. Бу борада муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб voyaga етказиш учун сарфланган сармоя жамиятга ўн, юз баробар кўп фойда келтиради”[1]. Технологик жараёнларнинг мунтазам янгиланиб бориши, инновацион ривожланиш ва интенсив иқтисодий ўсиш омилларининг тобора ошиб бораётганини мазкур жараёнларга тезкор мослаша оладиган, малакали кадрларга бўлган талабни янада оширмоқда. Шу боисдан ҳам мамлакатимизни 2030 йилгача ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида “...инсон капиталини ривожлантириш” энг устувор ўйналишлардан бири сифатида эътироф этилган[2]. Мазкур ҳолат республикамизда инсон капиталини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши ва бу мақсадларда салмоқли инвестициялар қилинишидан далолат беради.

Инсон капиталидан самарали фойдаланиш ташкилотнинг иқтисодий ўсишини таъминлайди, унинг фаолияти самарадорлигини оширади. Инсон капитали тўғридан-тўғри капитал сифатида тўғри ишлатилса, қўшимча фойда келтирадиган махсус ресурс шаклида намоён бўлади. Бу эса ўз навбатида, инсон капиталини ривожлантириш иқтисодий тараққиётнинг асосий омили сифатида юзага чиқиши шарт эканлигини кўрсатмоқда. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда миллый бойлиқдаги инсон капитали улуши 80 фоизгачани ташкил этади. Шу жиҳатдан, жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларида инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Адабиётлар шархи. Инсон капитали ва унга киритилган инвестициялар борасида бир қатор олимлар томонидан турлича фикрлар билдирилган. Бу борада илк тадқиқотлар

олиб борган америкалик олимлар, иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти совриндорлари Теодор Шульц ва Гэри Стэнли Беккер ҳисобланади. Т.Шульц иқтисодий ўсишни таъминлашда инсон капиталининг роли бўйича тадқиқотларни ўтказган олим сифатида инсон капиталининг даромадлари моддий капиталнинг аксарият турлари даромадларидан каттароқдир, дея таъкидлайди. Шу жиҳатдан инсон капиталига йўналтириладиган инвестицияларни ошириш тарафдорларидан ҳисобланади[3]. Г.Беккер биринчи бўлиб таълим жараёнининг иқтисодий самарадорлигини статистик объектив ҳисоблашни амалга ошириб, таълимга қўйилган маблағларнинг даромадлигини даромад ва харажатлар нисбати сифатида белгилаб берди. Г.Беккернинг фикрича, самарадорлик йиллик фойданинг 12-14 %ини ташкил қиласи [4]. Унинг “Инсон капитали” китоби ҳозиргача бу борадаги асосий илмий асар ҳисобланади.

Яна бир хорижлик олим М.Гречко: “Ходимларни ўқитиш, уларнинг саломатлигини асраш, ижтимоий кафолатларни таъминлаш – буларнинг барчаси бугунги кунда нафакат инсоннинг шахс сифатида камол топишида, балки корхонанинг янада рақобатбардош ривожланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади”, – дея таъкидлайди [5]. Россиялик олима К.Бурсеванинг фикрича, инсон капиталининг шаклланиши ва ривожланишига ички ва ташқи омиллар сезиларли таъсир кўрсатади. Ички омиллар инсоннинг ўзи билан бевосита боғлиқ бўлса, ташқи омиллар бошқа субектларнинг инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантиришга таъсири билан боғлиқ[6].

Маҳаллий иқтисодчи олим Қ.Абдурахманов: “Инсон капиталини, энг аввало, унинг билим даражасини ошириш орқали рўёбга чиқариш мумкинлигига ёшларда ишонч бор. Таълим юқори иш ҳақи, юқори мартаба, моддий бойлик ва молиявий барқарорликни кафолатлайди”, – деб таъкидлайди [7]. Яна бир маҳаллий иқтисодчи олим О.Очиловнинг фикрича, инсон капиталига киритилган ҳар бир инвестиция етарли даражада юқори рентабеллик ва қолланиш муддатига эга бўлсагина ўзини оқлади. Шунинг учун реал иқтисодий воқеликда инсон капиталига инвестицияларни амалга ошириш бўйича таваккалчиликни таҳлил қилиш, уларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш корхона инвестиция сиёсатини рўёбга чиқаришда жуда долзарбдир. Шу боис бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар дуч келадиган

асосий муаммо инсон капиталига инвестициялар ва уларнинг самарадорлигини баҳолашдан иборат [8].

Инсон капиталининг турли давлатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларига ҳамда турли компанияларнинг инновацион фаоллигига таъсири Р.Мельников асарларида ёритилган[10] бўлса, ракамли технологиялар ривожланишининг инсон капиталига таъсири С.Фойиназаров [11] асарида келтирилган.

Тадқиқот методологияси. Инсон капиталига йўналтирилган инвестициялар бўйича дунё олимлари ва иқтисодчилари томонидан олиб борилаётган тадқиқотларни ўрганиш, маълумотлар тўплаш, тўпланган маълумотларни таҳдил қилиш, синтезлаш, мантиқий фикрлаш каби иқтисодий тадқиқот усулларидан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар мұхокамаси. Фан-техника тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даврида инсон капитали

мамлакат келажагини белгилайдиган зарур омилга айланниб бормоқда. Инсон капитали барқарор иқтисодий ўсишнинг асоси ва инновацияларни ҳаракатлантирувчи кучdir.

Инсон капиталига инвестициялар алоҳида шахсларнинг қобилиятини, унинг малакасини оширишга ва ривожлантиришга киритилган сармоя бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад меҳнат унумдорлигини оширишdir [12].

Инсон капиталига инвестициялар шахснинг билими, малакаси, таълими ва соғлиғини ривожлантириш ҳамда яхшилашга ёрдам бериш учун вақт, куч ва молиявий воситаларни ўз ичига олган ресурсларни стратегик тақсимлашни англатади. Ушбу концепция шахсларнинг ўзига хос қыйматини тан олади ва уларнинг ўсиши ва фаровонлигига инвестиция қилиш натижасида келиб чиқадиган узоқ муддатли фойдани алоҳида ва жамият дараҷасида таъкидлайди.

Инсон капиталига инвестициялаш йўналишлари:

таълим ва тарбия

билим ва
кўникмаларни
ривожлантириш

соғлиқни саклаш

тадқиқот ва
инновациялар

инклузивликни
рағбатлантириш

фаровон турмуш

1-расм. Инсон капиталига инвестиция киритишнинг асосий йўналишлари

Манба: тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан шакллантирилди.

Таълимга сармоя киритиш инсон капиталини ривожлантиришнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. У мактаблар, коллежлар ва университетлардан олинган расмий таълимни, шунингдек, касбий таълим дастурларини ўз ичига олади. Таълимнинг ҳар бир янги босқи-чида эгалланган касбий компетенциялар, келажакда инсон капиталининг иқтисодий самарасини оширишга хизмат қилишига қаратилган рағбатлантиришлар ижобий натижа беради. Таълим одамларни доимий ўзгарувчан дунёда зарур бўлган муҳим билиmlар, танқидий фикрлаш қобилияtlари ва мослашиш қобилияtlари билан таъминлайди. Таълим юқори иш ҳақи, юқори мартаba, моддий

бойлик ва молиявий барқарорликни кафолатлади.

Билим ва кўникмаларни ривожлантириш инсон капиталига инвестицияларнинг яна бир муҳим соҳасидир. Семинарлар, шогирдлик ва иш жойида ўқитиш орқали шахслар меҳнат бозорида талаб қилинадиган махсус кўникмаларга эга бўлишлари мумкин. Кўникмаларни ривожлантириш бандликни, меҳнат унумдорлигини ва умумий иқтисодий ўсишнинг ошишига ўз таъсирини кўрсатади. Таълим ва ишлаб чиқаришга тайёргарлик инсоннинг билим даражасини оширади, бу ўз навбатида, инсон капиталининг ҳажми ва сифатига ижобий таъсир этади.

Саломатлик ва фаровонликка сармоя киритиш ҳам инсон капиталини ривожлантиришнинг ажралмас қисмидир. Сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш, профилактика чоралари ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам беради ва касаллик туфайли йўқолган иш кунлари сонини камайтиради. Соғлиқнинг қониқарсиз ҳолати унумдорликни пасайтиради, чунки жисмоний жиҳатдан заиф ва бемор ишчилар ўз қобилияtlарини тўлиқ амалга ошира олмайдилар, шу сабабли ташкилотлар ўз ходимлари соғлиғига инвестиция киритадилар.

Тадқиқот ва инновация соҳалари ҳам инсон капиталига сармоя киритиша ҳал қиувчи аҳамиятга эга. Илмий-тадқиқот ва ишланмаларга (R&D) инвестициялар инновациялар ва технологик ютуқларни рағбатлантиради, иқтисодий ўсишни таъминлайди. Илмий-тадқиқот институтларини қўллаб-қувватлаш, илмий кашfiётлар ва инновацияларни рағбатлантириш инсон капиталини ривожлантириш учун шароит яратади. Илм-фан ривожланиши жараёнида нафақат интеллектуал янгиликлар ҳаётга татбиқ этилади, балки бунда иштирок этаётган инсонларнинг янги имкониятлари, қирралари очилади. Ахборот жамиятида илм-фан инсон капиталини ривожлантиради.

Бундан ташқари ижтимоий ва иқтисодий инклузивликни рағбатлантириш инсон капиталига сармоя киритишининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Жинси, этник келиб чиқиши ва ижтимоий-иқтисодий келиб чиқишидан қатъи назар, тенг имкониятлар ва ресурслардан фойдаланиш имкониятини таъминлашга ҳаракат қилиш керак. Инклузив сиёsat ва дастурлар барча шахсларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш ва жамиятга ҳисса қўшиш имкониятига эга бўлишини таъмин-

лади. Инсон капиталига сармоя киритиш хукumatлар, корхоналар ва жисмоний шахсларнинг биргалиқдаги саъй-ҳаракатларини ўз ичига олади. Ҳукumatлар сиёsatни ишлаб чиқади, таълим ва соғлиқни сақлаш учун маблағ ажратади ва малака ошириш учун қулай муҳит яратади. Корхоналар малакали ва ғайратли ходимлар муваффақиятга ҳисса қўшишини тан олиб, ходимларни ўқитиш ва ривожлантиришга сармоя киритади. Шунингдек, шахслар ўз инсон капиталига ўз-ўзини бошқариш, узлуксиз таълим ва фаол шахсий ҳамда касбий ривожланиш орқали сармоя киритишлири мумкин. Корхона ва давлат иқтисодиётини ривожлантириш самарадорлиги қўп жиҳатдан инсон капиталини ривожлантириш учун ажратилган маблағлар миқдорига, шунингдек, ушбу маблағларнинг ўз вақтида ажратилишига боғлиқ. Ушбу турдаги инвестициялар ҳажми жиҳатидан сезиларли, узоқ муддатли ва ажралмас иқтисодий ҳамда ижтимоий самара келтиради. Шу сабабли бундай инвестициялар инсон, корхона ва бутун жамият нуқтai назаридан энг фойдали ҳисобланади.

Инсон капиталига инвестицияларни ошириш орқали инновация ресурсларининг сифатини ошириш, сўнгра улардан келадиган самаранинг ўсишига умид қилиш мумкин. Дунё миқёсида инсон капиталига йўналтирилган инвестицияларнинг инновациялар билан боғлиқлигини аниқлашда фойдаланиларидиган индекслардан бири "Глобал инновацион индекс"дир. Глобал инновацион индекс (ГИИ) Корнелл университети, ИНСЕАД ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган агентлиги бўлган Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) томонидан нашр этилади. ГИИ иккита субиндексдан иборат бўлиб, бири инновация учун харажатлар, иккинчиси инновация натижаларини ўзида жамлайди[13].

1-жадвал

Глобал инновацион индексда Ўзбекистоннинг ўрни [14]

№	Кўрсаткичлар	2021 йил	2022 йил	Рейтингдаги ўзгариш
	Умумий	86	82	+4
1.	Инновация учун харажатлар	75	68	+7
1.1.	Институционал ривожланиш	94	63	+31
1.2.	Инсон капитали ва изланишлар	72	65	+7
1.3.	Инфратузилма	72	74	-2
1.4.	Бозор мураккаблиги	24	60	-36
1.5.	Бизнеснинг ривожланиш даражаси	123	74	+49
2.	Инновация натижалари	100	91	+9
2.1.	Билим ва технология натижалари	77	80	-3
2.2.	Ижодий натижалар	113	102	+11

Манба: https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_2000_2022/uz.pdf

Бунда инсон капитали инновацияларни ривожлантирувчи ресурс сифатида ҳам, инсон билими ва ҳаракатининг самаралари эса инновациядан олинадиган натижаларда ҳам ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, якуний индексда харжат ва натижалар ўртасидаги ўзаро нисбат келиб чиқади, бу ўз навбатида, у ёки бу мамлакатда инновацияларнинг, шу жумладан, инсон капиталининг ривожланишига сарфланган харажатларнинг самарасини объектив баҳолаш имконини беради.

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкини, Ўзбекистон Глобал инновацион индексда (ГИИ) ўтган йилга нисбатан тўрт поғонага кўтарилид.

ГИИ 2022 ҳисоботи “Инновацион ривожланиш келажаги” мавзусига бағищланган. Мазкур индексни тузувчиларнинг фикрига кўра, бу пандемия, меҳнат унумдорлиги ўсишининг пасайиши ва бошқа муаммолар шароитида соҳадаги ҳолат ҳақида истиқболни тақдим этди.

Агар 2021 йилда Ўзбекистон 132 давлат орасида 86-ўринни эгаллаган бўлса, 2022 йилда 82-ўринга кўтарилиди. Мазкур индексда Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари орасида республикамиз Ҳиндистон ва Эрондан кейинги учинчи ўринни банд этди. Покистон ва Индонезия билан бир қаторда Ўзбекистон ҳам “инновацияларга эришаётган мамлакатлар” қаторига кирди.

Айниқса, юқори кўрсаткичлар институционал ривожланиш (63-ўрин) ҳамда инсон капитали ва изланишлар (65-ўрин) соҳасида қайд этилди. Бозорнинг ривожланиш даражаси (бозорнинг мураккаблиги) ҳам қайд этилган – бу ерда Ўзбекистон 60-ўринни эгаллади.

Умуман олганда, инновацион харжатлар субиндексида Ўзбекистон 7 поғонага кўтарилиб, 68-ўринни банд этди. Бундан ҳам катта ўсиш кўрсаткичлари инновация натижалари субиндексида қайд этилди, яъни 9 поғона кўтарилиб, 91-ўринни эгаллади. Бу субиндексда илмий натижалар, яъни билим ва технология натижалари йўналиши ажраби туради (80-ўрин).

Шу билан бирга, инновацион фаолият самарадорлиги ўртача даражадан пастлигича қолмоқда. Ижодкорлик бўйича Ўзбекистон 102-ўринни эгаллади.

Мазкур индекс таҳлилидан шу ҳолат аён бўйлмоқдаки, мамлакатимизда инновацияларнинг, шу жумладан, инсон капиталининг ривожланишига сарфланган харажатларнинг самараси, яъни инсон билими ва ҳаракати натижалари ҳозирча ўртача даражадан паст бўйлмоқда. Лекин умид қиласизки, инновацияларга, шу жумладан, инсон капиталига қилинган инвестициялар, албатта, ўзини оқлади. Келгуси йилларда илмий ва ижодий натижадорликда ҳам сезиларли ўсиш кўрсаткичлари қайд этилади.

Хулоса ва таклифлар. Мамлакат иқтисодий тараққиётида инсон капиталига йўналтирилган инвестицияларнинг аҳамияти бўйича бир қатор хулоса ва тавсиялар шакллантирилди. Улар кўйидагилардан иборат:

1. Инсон капиталига киритилган инвестициялар самараси унинг даромад даражасида, мартабасининг ўсишида ҳамда меҳнат бозоридаги унга бўлган талабда кўринади.

2. Бу йўналишдаги инвестициялар самарасининг ўсиши миллий даромаднинг ўсиши, аҳолининг фаровон турмуш кечириши ва пировардида мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига ўз таъсирини ўтказади.

3. Инсон капиталига инвестициялар барқарор иқтисодий ўсиш, ижтимоий тараққиёт ва индивидуал фаровонлик учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

4. Шахсларнинг қадр-қимматини тан олиш ва уларнинг ривожланишига фаол сармоя киритиш орқали жамиятлар янада фаровон ва адолатли келажак яратиши мумкин.

5. Шахсларнинг ривожланиши учун нафақат молиявий, балки бошқа турдаги ресурсларни ҳам оқилона ва самарали тақсимлаш зарур.

6. Замонавий таълим воситалари ва усуслари ёрдамида қайтар алоқани тўғри ташкил этиш орқали бу соҳага киритилган инвестициялар самарасини ошириш мумкин.

7. Корхона ва ташкилотларда сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш кўламини кенгайтириш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш орқали самарадорликка эришиш мумкин.

8. Инновацион иқтисодиёт шароитида илм-фанга, илмий тадқиқот ва ишланмаларга инвестицияларнинг йўналтирилиши мамлакатга узоқ йиллар давомида фойда келтиради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020. (<https://president.uz/uz/lists/view/4057>).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони (<https://lex.uz/docs/5841063#584387>).
3. Theodore W. Schultz. *Investing in people: Schooling in low-income countries. Economics of Education Review.* Volume 8, Issue 3, 1989, p. 219-223. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/0272775782900012>).
4. Беккер Г. Человеческий капитал (главы из книги). Воздействие на заработки инвестиций в человеческий капитал [Текст]. / Г.Беккер // США: экономика, политика, идеология. № 11. Ноябрь 1993 г. С. 19-145.
5. Гречко М.В. Человеческий капитал как интенсивный фактор развития отечественной экономики в условиях глобальных изменений. Национальные интересы: приоритеты и безопасность. 2013. № 27.
6. Бурцева К.Ю. Управление человеческим капиталом в интересах инновационного развития предприятия. Монография. – Тольятти: Изд-во ТГУ, 2013.
7. Абдурахманов К.Х. Развитие человеческого капитала в инновационной экономики. // “Меҳнат иқтисодиёти ва инсон капитали” илмий электрон журнали. 2022 йил, маҳсус сон.
8. Очилов О.И. Инсон капиталига қилинган инвестициялар таҳлили методологиясини тақомиллаштириш. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. // Илм-фан журнали. 2022.
9. Томас А.Стюарт. Интеллектуальный капитал: новый источник богатства организации. – Поколение, 2007. – 368 с.
10. Мельников Р.М. и др. Эффективность инвестиций в человеческий капитал в современных условиях. – М.: Проспект, 2019. – 352 с.
11. Фойибназаров С.Б. Инсон капиталини рақамли ривожлантириш драйверларининг институционал моделини тақомиллаштириши. // Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. Электрон журнал. № 4. 2023 йил. (<https://doi.org/10.47390/SP1342V3SI4Y2023N23>).
12. Асамходжаева Ш.Ш. Инсон капиталига ўйналтирилган инвестицияларнинг самарадорлик кўрсаткичлари. // “Иқтисодиёт ва таълим” журнали, №1, 2023 йил, 24(1), 102-106. https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a14
13. <https://www.globalinnovationindex.org/Home>
14. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_2000_2022/uz.pdf